

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 16 март
сешанба
№ 10 (1266)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнгги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



ИШ ҲАКИ КЕЧИКСА
ИШДА УНУМ БЎЛМАЙДИ 2-БЕТ

АДВОКАТ ҲУҚУҚЛАРИ
КЕНГАЯДИМИ? 6-БЕТ

ҚАРЗДОР ОТАЛАР
"ҚАМАЛ"ГА ОЛИНДИ 8-БЕТ



АДЛИЯ ВАЗИРИ:

“Ахборот тарқалишини қанча тезлаштирадик, халқимиз шунча илмли бўлади”

Сенат ўн учинчи ялпи мажлисида адлия вазири Русланбек Давлетовнинг ҳуқуқий ахборот тарқатиш тўғрисидаги ахбороти тингланди. Унда қизиқ таҳлилий тезислар илгари сурилди.

Вазир нутқида, одатга зид равишда, қилинган ишларни санаб ўтишга кўп вақт ажратилмади. Асосий мессеж: шунча ҳуқуқий ахборот тайёрлаб тарқатганимиз билан, ахборот етказиш воситалари қай аҳволда деган масала ҳал қилувчи бўлиб қоляпти.

Европада XV асрда китоб босиш дастгоҳи ихтиро қилинганда, инсоният ҳаёти тубдан ўзгариб, ахборот ва билим тарқалиши жуда тезлашди. Ушанда ҳам норозилар бўлган, айрим мамлакатлар ахборот ҳаётимизга жуда кўп кириб оляпти, деб дастгоҳни олиб киришни тақиқлаган эди.

ВАЗИР АХБОРОТИДАН ИҚТИБОСЛАР:

1. Интернет: 1 гб мобил интернет Хиндистонда 950 сўм, Исроил — 1200 сўм, Қирғизистон — 2200 сўм, Италия — 4500 сўм, Украина — 4900 сўм, Қозоғистон — 4900–5000 сўм... Ўзбекистонда (54-ўрин) 16 000 сўм. Қамров 51 фоиз, Қозоғистонда 80 фоиз.

2. Электрон ОАВ: Ўзбекистонда 34 миллион аҳолига 19 та марказий телеканал ва 14 та радиоканал. Уларнинг 25 фоизига ахборот етказиш билан шугулланади, қолганлари кўнгилочар.

АҚШда 8 000 дан ортиқ (аҳолиси 332 миллион), Россияда 3 300 та (146 миллион), Буюк Британияда 1 000 дан ортиқ (68 миллион), Қозоғистонда 90 дан ошди, Беларусда 50 га яқин, Украинада 600 дан кўпроқ телеканал бор.

Мамлакатимизда 1 800 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 60 фоиздан ортиғи нодавлат ОАВни ташкил этади. Интернет тармоғида ОАВ сифатида рўйхатдан ўтиб фаолият юритаётган веб-сайтлар сўнгги 4-5 йилда 2017 йилдаги 332 тадан 2 баробар ошди, бугунги кунда 630 тага етди.

Бироқ бошқа давлатларга солиштирсак, бу нақадар камлиги кўринади: Россияда электрон ОАВ сони 19 мингдан ортиқ (!), Украинада 12 000 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда.

3. Босма ОАВ ва китоблар: Давлат ста-

тистика кўмитасининг маълумотларига кўра, 2016 — 2019 йиллар оралиғида Республикада чоп этилган китоб ва брошюралар бирлиги қарийб 600 тага, адади эса 7 миллион нусхага камайган. Газета ва журналларнинг йиллик тиражи шу муддатда қарийб 2 бараварга қисқарган.

Босма маҳсулотлар аъдодининг бу қадар шиддат билан тушиши китоб бозорининг янада кичрайиб, соҳанинг рентабеллиги пасайишига ва аста-секин сўниб боришига олиб келади. Бу эса соҳанинг инвестицион жозибдорлигини камайтиради.

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПК-3271-сон қарори билан тасдиқланган дастурда 2017 — 2021 йилларда соҳада амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилган эди.

Бевосита Дастурнинг бандма-банд ижроси юзасидан таҳлил ўтказилганда 35 та банддан 13 тасининг (37,14 фоиз) ижроси охирига етмаган, шунингдек, 1 тасининг (32-банд — 2,86 фоиз) кечикиб ижро қилинган.

2019 — 2021 йиллар орасида мамлакатимизда биронта янги нодавлат нашриёти очилмади, 5 та давлат нашриёти фаолияти тугатилди, яна 14 та нашриётнинг фаолияти тугатилиши режалаштирилмоқда.

Бутун дунёда сўнгги йилларда босма нашр маҳсулотларининг адади тушиши тенденцияси кузатишмоқда. Бироқ унинг ўрнини интернет, замонавий рақамли тех-

нологиялар, электрон китоблар, аудиоки-тоблар эгалламоқда.

Давлат вазиятни ўз ҳолига ташлаб қўймаган, Ҳуқуқимизнинг 2020 йил 14 декабрдаги 781-сонли қарори билан 2020 — 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури тасдиқланди. Ижро муҳим!

4. Почта хизмати: китоблар, газета-журналларнинг жойларга етиб боришида инфраструктура, хусусан, ривожланган почта хизмати керак. Сўнгги тўрт йилда “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан матбуот тарқатиш хажми 3 баробарга камайиб, унинг матбуот тарқатишдаги улуши 13 фоизни ташкил этмоқда. Почта алоқаси етказиб бериш участкалари сони 4800 тадан 3571 тага, қишлоқ жойларда 2893 тадан 2062 тага камайган.

Босма ва электрон газета-журналларни ҳамда китобларни истеъмол саватчаси таркибига киритиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

5. Қоғоз нархлари. Қоғознинг бозор нархи сўнгги тўрт йилда бир тонна офсет қоғоз учун ўртача 1000 АҚШ доллари ҳисобида сақланиб турибди (газета қоғоз 800 АҚШ доллари билан 600 АҚШ доллари (25 фоизга) арзонлашган), бироқ инфляция ҳисобида босма ахборот тарқатиш нархи қимматлашиб кетмоқда.

Бизда интернет ва энергия билан бос-

лик муаммоларимиз бор экан, аҳолигимизга босма шаклда ахборот етказиш усулидан ҳозирча воз кеча олмаймиз.

6. Тарғиботга ҳамма масъул. Ҳуқуқий ахборотни ранг-баранг, манзилли, таргетланган тарзда тарқатмоқдамиз. Лекин бизнинг ходимлар ҳамма соҳалар бўйича универсал мутахассис эмас.

2020 йил давомида ис газидан захарланиш билан боғлиқ жами 52 та ҳолат содир бўлди: 39 нафар фуқаро жабрланган, 61 киши вафот этган. Аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб борилганида бундай ачинарли ҳолатлар камаяди.

“Ўздавнефнгазинспекция” ва “Ўздавнефтогазорат”, Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияларининг бу борадаги ишларини янги босқичга кўтариш керак.

Пандемия даврида фуқаролар орасида парвозлар билан боғлиқ турли саволлар кўп, бироқ уларга жавоб бериш учун Фуқаро авиацияси агентлиги ҳанузгача ниманидир кутаяпти.

7. Ахборот тарқалишини қанча тезлаштирадик, қўллаб-қувватласак, шунча тез алмашинув юз беради. Инсонларда тафаккур шаклланади. Халқимиз илмли бўлади. Уни чеklangандан фойда йўқ. Ахборотнинг ўзи ва уни элтиб беришчи воситалар арзон бўлиши керак.

МАЪЛУМКИ, бирор бир уй-жой ёки бино-иншоот давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиб, бузилгудек бўлса, бунинг эъзига давлат томонидан тегишли компенсация тўланади ҳамда ўша бинони қуришга бошқа жойдан мутаносиб ер майдони ажратилади. Афсуски, айна масала республикамизнинг барча худудларида ҳам қонуний, эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада ҳал этилаётгани йўқ.

ТАДБИРКОРНИНГ БУЗИЛГАН ҲУҚУКИ АДЛИЯ БЎЛИМИ ВА СУД ОРҚАЛИ ТИКЛАНДИ



Қува туманидаги "Кўхнур" хусусий корхонаси раҳбари Адҳамжон Насриддинов ҳам туман ҳокимлигидан ана шундай жабр кўрганлардан.

Гап шундаки, 2019 йил 27 июнда туман марказида — "А.Яссавий" кўчасида кўп тармоқли марказий поликлиника биноси қурилиши муносабати билан айрим бино-иншоотларни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳамда бузиш юзасидан Қува туман ҳокимининг қарори қабул қилинади. Мазкур қарорга биноан эса хусусий корхонага қарашли, "А.Яссавий" кўчаси 148-уйда жойлашган дорихона ҳам бузиб ташланади. Лекин туман ҳокимлиги бунинг эъзига тегишли компенсация тўлашдан бош тортади. Ваҳоланки, дорихона мулк ҳуқуқи асосида тадбиркорга тегишли бўлган. Буни кўчмас мулкнинг кадастр ҳужжатлари ҳамда 2015 йил 13 февралда берилган, айна кўчмас мулк бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги FA 0028091-сонли гувоҳнома ҳам тасдиқлайди. Шунга қўра, жабрланувчи Риштон туман маъмурий судига мурожаат қилади. Суднинг 2019 йил 25 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан юқоридаги туман ҳокими қарорининг "Кўхнур" хусусий корхонаси дорихонасини бузиш қисми ҳақиқий эмас, деб топилган. Айна пайтда ушбу ҳал қилув қарори қонуний қилди.

Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Наманган вилоят бўлими томонидан 2020 йил 16 мартда берилган эксперт хулосасига қўра, (эксперт А.Джалилов) бузилган дорихона бино-иншоотининг 2019 йил июнь ҳолатига ҳисобий бозор баҳоси 90 миллион 200 минг 543 сўмини ташкил қилади. Шу боис А.Насриддинов кейинги галда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, келтирилган зарарни ундириб беришни сўрайди. Аммо суд мазкур ишнинг фуқаролик судига эмас, балки иқтисодий судга тааллуқли эканлигини асос қилиб, иш юритишни тугатади. Шундан кейин тадбиркор Қува туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, ушбу масалада амалий ёрдам сўрайди. Натيجида адлия бўлими томонидан Фарғона туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилади.

Фуқаролик кодексининг 985-моддасида ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши белгиланган. Ана шу асосга таянган суд жавобгар Қува туман ҳокимлигидан "Кўхнур" хусусий корхонаси фойдасига 90 миллион 200 минг 543 сўм зарар ҳамда почта харажатларини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шу тарихда тадбиркорнинг бузилган мулк ҳуқуқи адлия бўлими ва суд орқали тикланди.

Акмалжон РАҲИМОВ,
 Фарғона туманлараро иқтисодий суди раиси,
Мирзохид АБДУВАҲОПОВ,
 Қува туман адлия бўлими бошлиғи

ПАНДЕМИЯ ПАНД БЕРДИМИ ЁКИ...

ҚИЗИЛТЕПА туман адлия бўлими ўтказган мониторинг натижаларида туман молия бўлимининг 2021 йил 11 февралдаги хатига қўра, туман ҳокимлиги томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига 2021 йил январь ойида 43 миллион 451 минг 9 сўм ҳамда февраль ойи учун шунга мутаносиб равишда 30 фоизлик устама тўловлари тўлаб берилмаганлиги маълум бўлди.

Ваҳоланки, Президентимизнинг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ва бюджет ташкилотларининг моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳисобидан 2020 йил 1 июндан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг лавозим маошига 30 фоиз қўшимча махсус устама тўлаш жорий этилиши белгиланган.

Бироқ, бу устама тўловлари республикамизда қузатилган пандемия муносабати билан жорий йилнинг январь

оайдан бошлаб тўлаб берилиши белгиланган бўлса-да, туман ҳокимлиги буни эътиборсиз қолдирган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларида вазирликлар ва идораларнинг, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг биринчи раҳбарлари иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш ва ушбу мақсадлар учун назарда тутилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавобгарлиги назарда тутилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлиши кўрсатилган.

Қизилтепа туман адлия бўлими томонидан туман ҳокими ўринбосари, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи номига киритилган тақдимномага асосан маҳалла фуқаролар йиғинлари ишчи ходимларининг тўланмай қолган устама ҳақлари тўлаб берилиши таъминланди.

Абдували АСАДОВ,
 Қизилтепа туман адлия бўлими бошлиғи

ФУҚАРО А.Анинг ўзига тайинланган пенсия миқдоридан норозилиги тўғрисидаги мурожаати Чимбой туман адлия бўлими томонидан қонун доирасида ўрганиб чиқилди.

ДИРЕКТОРНИНГ "ЯНГИЧА ҚОНУН"ЛАРИ ЎТМАДИ

Аниқланишича, фуқаро А.А. 1990 йилда тумандаги умумтаълим мактабларидан бирига ўқитувчи вазифасига ишга қабул қилинган ва мактабда анча йиллар фаолият юритиб, мактаб директорининг 2012 йилдаги буйруғига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Аммо, туман давлат архивининг маълумотномасига қўра, фуқаро А.А. 2006 йил 2 сентябрдан 2007 йил 2 сентябрь кунига қадар иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътилига юборилган ва шу тарихда 2006 йилдан то 2012 йил август ойига қадар иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили бериш тўғрисида ноқонуний буйруқлар расмийлаштирилиб, ишга келиши ёки ишдан бўшатилиши чоралари кўрилмагандан келинганлиги аниқланган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 150-моддасида иш ҳақи сақланмаган ҳолда берилмаган меҳнат таътили ходимнинг аризасига асосан, иш берувчи ва ходимнинг келишувига қўра берилиши мумкинлиги, унинг давомийлиги ўн икки ойлик давр мобайнида жами уч ойдан ошмиқ бўлмағлига керак, деб кўрсатилган.

Шундай қилиб, мурожаатни ўрганиш давомида мазкур мактаб директорининг ноқонуний буйруқлари бекор қилиниб, А.А.нинг аввалги ишлаган давридаги мазкур иш ҳақлари ҳисобланиб, пенсия тайинланиши таъминланди. Гапнинг индаллосини айтганда, мактаб директорининг "янгича қонун"лари ўтмади.

М.ХАЛМУРАТОВ,
 Чимбой туман адлия бўлими бошлиғи

ИШ ҲАҚИ КЕЧИКСА ИШДА УНУМ БЎЛМАЙДИ

ДЕҲҚОНОБОД туман адлия бўлимига Қашқадарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонасида ишловчи бир гуруҳ ходимлар мурожаат қилиб, корхона томонидан иш ҳақлари ўз вақтида тўлаб берилмаганлиги сабабли амалий ёрдам беришни сўраган.

Туман адлия бўлими томонидан мурожаат атрофлича ўрганилиб, корхонанинг 10 нафар ходими манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суд томонидан даъво ариза қаноатлантирилиб, ходимларга жами 22 миллион 650 минг 055 сўм миқдорда ойлик иш ҳақини ундириб бериш тўғрисида суд буйруғи чиқарилди.

Маҳманазар ТАНҒРИЕВ,
 Деҳқонобод туман адлия бўлими бошлиғи

УЗУМИНИ ЕГИНУ

боғини суриштирмагин экан-да

"АДЛИЯ тадбиркорга дўст" лойиҳаси қўллаб тадбиркорларнинг жонига оро кирмоқда. Марҳамат туманида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи "Муслима М.Х" масъулияти чекланган жамияти раҳбари О.Юлдашевнинг мурожаати ҳам ана шу лойиҳа шарофати билан ижобий ечим топди.

Мурожаатни ўрганиш жараёнида тадбиркор Марҳамат туман тиббиёт бирлашмасига шартнома асосида озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш хизматларини ўз вақтида бажариб келган бўлса-да, туман тиббиёт бирлашмаси томонидан тўловлар амалга оширилмаганлиги оқибатида у 156 миллион 221 минг 513 сўм пул маблағини ололмаётганлиги, бу эса ўз навбатида, тадбиркорлик субъектининг айланма маблағларининг

камайтишига сабаб бўлаётганлиги ва молиявий зарар кўраётганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолатдан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектига амалий ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Фуқаролик кодекси талаблари асосида жавобгар — "Марҳамат туман тиббиёт бирлаш-

маси"дан даъвогар — "Муслима М.Х" МЧЖ фойдасига 156 миллион 221 минг 513 сўм асосий қарзни ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритилди. Чунки 156 миллион сўмлик озиқ-овқатни "ҳазм" қилмоқчи бўлган тиббиёт бирлашмаси чучварани хом санаганди.


Муҳаммадбобур КАРИМОВ,
 Марҳамат туман адлия бўлими бошлиғи



Бугун элимиз дастурхони ва бозорларимиздаги тўкин-сочинлик ҳаммининг ҳавасини келтириши шубҳасиз. Ҳатто хорижликларни ҳам. Бундай файзу баракада эса самарқандлик бободехқонларнинг муносиб ҳиссаси бор.

РЕЖАЛАР АНИҚ, ЭНДИ УНИ ҳаётга тадбиқ этиши керак

дейди Самарқад вилояти ҳоқими ўринбосари
Феруз Абилов



Негаки Зарафшон воҳасида мева-сабзавотчилик, асаларичилик, пахта-ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, қўёнчилик, кўчатчилик, хуллас, аграр соҳанинг барча йўналишларида ўзига хос мактаб яратилган. Бу эса Рўйи замин сайқалига ташриф буюрувчи минг-минглаб сайёҳларни ҳам лол қолдирган. Вилоятда етиштирилган сара дон машҳур Самарқанд нонларига айланиб, дунёнинг нариги чеккасигача етиб боради. Ёки Самарқандга келган хорижлик меҳмонлари новотдан қолишмайдиган Ургут майизини татимай қайтмаса керак.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқандда мазкур соҳада истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, асрлар мобайнида қақраб ётган дашт ҳудудларида бепоён боғлар, ёнғоқзор ва узумзорлар барпо этилмоқда. Ҳатто умр бўйи чорвачиликни ўзига касб қилган ҳамюртларимиз деҳқончилик бобида ҳам нималарга қодир эканликларини намойён қилишмоқда. Бунда Эрон, Туркия, Хитой ва Япония давлатларидан келган инвесторлар миришкор самарқандликларга кўмакдош бўлишмоқда. Биргина Оқдарё туманида интенсив боғлар учун тез пишар кўчатлар яратиш йўлга қўйилди. Бу ишлар эса пухта ўйланган, илимий асосда амалга оширилди.

Маълумки, жорий йилнинг 24 февраль куни Президентимиз раислигида ўтказилган

видеоселектор йиғилишида сувдан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланиш масаласи муҳокама қилинди. Негаки мўл-кўл ҳосил етиштиришнинг энг муҳим манбаи бу — сувдир. Бинобарин, жорий йилда вилоятда 29.129 гектар майдонда сув тежовчи технологиялар ишга туширилиши режалаштирилган. Масалан, 19.146 гектарда томчилатиб, қолган майдонларда эса янгилик ҳисобланган ёмғирлатиб суғориш йўлга қўйилади. Бунинг учун 6 та ирригация иншоотларида бюджет маблағлари ҳисобидан 73 миллиард 712 миллион сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилади. Қолаверса, кўп йиллардан буён фаолият кўрсатмаган, сув йиғиш қуввати 100 миллион куб метр бўлган “Булунғур” сув омбори қурилиши давом эттирилади. Ургут туманидаги “Янги дарға” канали эса реконструкция қилинади. Қўшработ туманидаги “Оқчабсой” сув омборининг иккинчи босқич қурилиши ҳам давом этади. Шунингдек, 206 дон гидротехник иншоотларда бошқарувчи “Smart Water” ер ости сизот сувларининг жойлашуви тўғрисида маълумотларни реал вақт режимида олиш, маълумотлар базасини яратиш мақсадида 125 дон мелиоратив кузатув қудуқларига “Далма” қурилмалари ва суғориш қудуқларида 10 та “онлайн” масофавий бошқарув ускунаси ўрнатилди. Жорий йилда агрохизматлар маркази “AKUS” фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур марказ томонидан “Ягона дарча” тамойили асосида юздан ортик агросаноат мажмуа-

сига оид хизматлар кўрсатилади. Шундан 40 тадан ортик турдаги инновацион технологиялар асосидаги қатор хизматлар, хусусан, геоахборот тизимлари, дрон хизматлари, халқаро стандартлар “Organis”, “Слабое G A P” ва “Halo!” сертификатлари жорий этилди. Қолаверса, янги технологияларни ишга тушириш эвазига жорий йилда 33.258 гектар ерни фойдаланишга киритиш мўлжалланган.

Бундан ташқари, қиймати 308 триллион сўмга тенг бўлган 450 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 3,2 минг гектар интенсив боғ, 4,7 минг гектар тоқзор, 118 гектар замонавий иссиқхоналар, 15,1 минг тонна қувватга эга музлаткичи омборхоналар, 30 тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга корхона, 51 минг бош ҳайвонни боқишга мўлжалланган чорвачилик, 2,5 миллион дон қувватли паррандачилик комплекслари ишга туширилади. Ўрмон хўжаликлари ерларининг тоғ олди ҳудудларида 500 гектарлик pista, бодом, 200 гектарлик доривор ўсимликлар етиштириш кўзда тутилмоқда. Аҳоли томорқаларида 7420 та энгил конструкцияли иссиқхоналар қурилади. Натижада 9500 нафар киши иш билан таъминланади. Шунингдек, 1325 та кўп тармоқли фермер хўжаликлари томонидан 1359 та лойиҳа амалга оширилиб, 4954 та янги иш ўрни яратилади. Бунинг учун эса ҳамжиҳатлик, катта куч-ғайрат ҳамда шижоат билан меҳнат қилинса бас.

Азим ҚОДИРОВ,
журналист

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ

**“ХОРАЗМ ШОҲНАЗАР
ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ”**

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Халқимизнинг энг мўътабар миллий ва анъанавий байрами — Наврўз айёмини муносиб тўғфалар билан қутиб олаётганлар сафида жамоамизнинг ҳам ўз ўрни, нуфузи бор. Юртимизда кечаётган шиддатли тараққиёт жараёнлари, халқимизга давлатимиз, хусусан, Президентимиз томонидан кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлардан бошимиз осмонда. Муносиб меҳнатимиз, яратувчилик ишларини юқори савияда ташкил этиш борасида очилаётган янги имкониятлар, шарт-шароитлар туфайли ишлар тобора жонланиб, ютуқларнинг бири иккига кўпаймоқда.

Яхши кайфият, кўтаринкилик руҳи Наврўзи айём тантаналарига файз ва кўрк бағишляпти.

Байрамингиз муборак бўлсин, қизғин ва самимий қутловларимизни қабул қилинг, азиз юртдошлар!

Хизматлар лицензияланган.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ

“ХОНҚА ТАРАҚҚИЁТ ҚУРИЛИШ”АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ

Халқимизни, юртимизнинг бунёдкору қурувчиларини ёшлиқ, гўзаллик ва нафосат байрами Наврўз билан қизғин муборакбод этиб, Ватан ободлиги, тўкинлиги, тараққиёти, истиқлолимиз пойиндорлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларига омад ва муваффақиятлар тилайди.

Жамоа ушбу умумхалқ шодиёнасини вилоятнинг Хонқа туманида кам таъминланган оилаларга атаб қурилаётган намунавий кўп қаватли уй-жой биносини, ичимлик сув тармоғини бунёд этиш, хилма-хил темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришда айтса арзиғулик натижа ва ютуқлар билан қутиб олаяпти.

Яна бир бор байрамингиз муборак бўлсин.

Хизматлар лицензияланган.

Ватанимиз манзил-маконлари узра кезаётган қадимий ва анъанавий Наврўз байрами руҳи аҳоли дастурхони тўкинлиги, юртимиз куч-қудрати ва равнақи йўлида астойдил меҳнат қилиб, йил сайин юқори натижаларга эришаётган

ХОРАЗМ

ВИЛОЯТИДАГИ

“ОБИ ҲАЁТ ИНЖИНИРИНГ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН

ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

қалбига ҳам катта кўтаринкилик, қувонч ва шодлик туйғуларини бағишляпти. Ушбу шодиёни юртимиз аҳли билан бирга баҳам кўраётган ушбу жамоа меҳнатчилари барча ўзбекистонликлар, жумладан, кўп сонли ҳамкор ва ҳамкасбларини қутлуғ Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади, қалбларига қувончу, шодлик, эзгу ишларига ютуқ ва ривож тилайди.

Байрам муборак, юртдошлар!

Хизматлар лицензияланган.

“МАХСУС СУВ-ГАЗ МОНТАЖ ҚУРИЛИШ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Хоразм вилоятининг пешқадам бунёдкорлик жамоаларидан. У воҳа аҳлинининг ижтимоий турмушини янги бино ва иншоотлар эвазига янада юқори босқичга кўтаришдек хайру савоб юмушларни намунали адо этиб келади. Урганч шаҳридаги 16-сонли мактабнинг замонавий усулда мукаммал таъмирланган ҳамда 330 нафар ўқувчига мўлжаллаб янгидан бунёд қилинган, шунингдек, Республика Шошинч тез тиббий ёрдам марказининг Хоразм вилояти филиали ташҳис бўлими учун қурилган кўркам бинолари, шаҳарнинг “Саховат”, “Қамолот”, Урганч туманининг “Қиёт”, “Килловут” маҳаллаларида барпо этилган ичимлик сув тармоқлари — мазкур жамоа меҳнатининг маҳсули. Наврўзи айём замонамизга ярашиқли шу каби шижоатли меҳнат жараёнлари билан янада гўзал. Бунёдкорлар жамоаси мамлакатимиз аҳолисини Наврўзи олам билан қутлайди.

“МАХСУС СУВ-ГАЗ МОНТАЖ ҚУРИЛИШ”

МАСЪУЛИЯТИ
ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ

Хизматлар лицензияланган.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ

“ЯШИН ҚУРИЛИШ ОБОД”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ



Барча юртдошларни улуг айём билан муборакбод этади!

Хар кунингиз Наврўз бўлсин, дилларингиз шодлик ва қувончларга тўлсин, байрам шукуҳи қалбларингизга кўтаринкилик, жўшқинлик, фахр-ифтихор ва ғурур туйғуларини бағишласин! Ватан тараққиёти ва фаровонлиги йўлидаги фидойи меҳнатингиз барча ўзбекистонликлар турмушига янада кўп тўкинлик, файзу барака, бахт ва омад келтирсин! Эллар ва юртлар аро кезаётган Наврўз нафаси эзгу орзу-умидларингиз рўёбига янада кенг ва равон йўл очсин! Самимий дил қутловларимизни сиз азиз юртдошларимиз, шунингдек, кўп йиллик ишончли ҳамкоримиз — Жиззахдаги аккумулятор ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси, барча ҳамкорларимиз ва буюртмачиларга йўллаймиз.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 15-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган “Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низомнинг 26-бандига асосан, Бойсун туманидаги “JAYXUN REAL XIMOYA” адвокатлик бюроси адвокати Шайимова Холида Тўхтаевнанинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми Сурхондарё вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 15 февралдаги 29-ум-сонли буйруғига асосан суд ҳукми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиной жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар тўхтатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2021 йил 8 февралдаги 41-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “СИЕБ” адвокатлар хайъати адвокати Садиков Алам Курбановичнинг адвокатлик тузилмаси билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни 131-моддасига асосан (адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунинга қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача) унинг адвокатлик мақоми (адвокатлик гувоҳномаси №44, 21.12.2018) тўхтатилди.

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази жамоаси марказнинг маркетинг, реклама ва обуна бўлими бошлиғи Фахрутдин Қўлдашевга отаси **АБДУЛАЗИЗ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Инсон
ва ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази наشري

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида

0081-рақам билан
рўйхатга олинган



ISSN 2030-7897

Бош
муҳаррир

Қўчор
НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқўлов Акбар Жўрабоевич
Рабиёев Шерзод Миржалилович
Тожиёев Фурият Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган
қўлёзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.

Навбатчи
Маруза Ҳосилова
Саҳифаловчи-
дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририят компьютер базисда терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” наشريёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4360
Буюртма — V-4592

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

Хизматлар лицензияланган.

ЎЗ ХАЛҚИНИНГ

ОРАМИЗДА шундай одамлар бор-ки, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун тутиб, ўз умрини адолатга, ҳақиқатга бағишлаб келган. Бундай халқларвар инсонларни ҳамisha эъзозлаб келамиз. Шундай катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, заковатли, улуғ кишилар кўмаги ва маслаҳатига доимо эҳтиёж сезамиз. Меҳнатсевар, ҳалол-пок, дийнатли, эл иши учун фидойи инсон бўлиб улғайишни истасан ҳар бир одам бор-ки, уларнинг ҳаётий тажрибасидан, албатта, фойдаланиш лозим. Шунинг учун орамызда ёши улғайларнинг, ҳаёт синюварларида тобланган катталарнинг борлиги улуғ неъматдир. Биз бузун ана шундай табаррук инсон Қаллибек оға Камалов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.



АСЛ ФАРЗАНДИ

Айни пайтда у киши тўксон беш баҳорини қаршиламोқда.

Чорак аср давомида Қорақалпоғистон Республикасига раҳбарлик қилган, бир қатор масъул вазифаларда ишлаган. “Пахта иши”, деган балонинг азобларини кўрган бу матонатли инсоннинг хотирасида ўтган кунлар армони бор. Раҳбарлик йилларини эслар экан, Қаллибек оға бу даврни жуда нозик давр, деб баҳолайди.

— Олтмишинчи йиллар бошида мен республика раҳбариятига келганимдан кейин халқимнинг оғир турмушини яхшилашга, хотин-қизларимизни ушбу муаммолардан ҳалос этишга бел боғлаб, кўлимдан келган барча чораларни амалга оширишга киришдим. Биринчи навбатда, Қорақалпоғистонни электрлаштириш, газлаштириш каби муаммоли масалаларни ҳал қилдим. Ўн йил ичида республиканинг барча жойларига электр ёруғлиги кириб борди. Ҳар сафар Москвага борганимда, мутасаддиларга халқимизнинг оғир шароитда яшайётганини, агар тез орада газлаштирилмаса, аёл-қизларимизнинг оғир муаммолардан ҳалос

бўла олмаслигини, пахтачиликни ривожлантиришда фаол иштирок эта олмасликларини тушунтириб, ёрдам сўрадим. Илтимосларимиз қаноатлантирилди.

Қорақалпоғистон қиска вақт ичида газлаштирилди. Юртимиз тараккиётга эришган сари халқимиз турмуши фаровонлашди. Ҳозирги кунда айрим йиллардагина тегирмон ва кели келсопнинг овозлари эшитилиши мумкин. У ҳам бўлса факатгина хавасга, жўхори гўжа егиси келганлар бўлиши мумкин.

Қаллибек оға ҳамон шижоатли, ҳамон ғайратга тўла. Дунёнинг кўплаб давлатларида бўлган. Ва, ҳамisha жаҳон тажрибасини ўрганиш юксалишига хизмат қилади, деб ҳисоблайди. Дунё давлатлари билан солиштирар экан, бизнинг давлатимиздаги каби халққа очик юз билан юзланиб, халқ билан самимий очик мулоқот қилинганини кўрмаванман, дейди Қаллибек Камалов.

— Биласизми, кейинги йиллар давомида Ўзбекистон босиб ўтган йўл бир неча ўн йилликка татийди. Зеро, мамлакат ва жамяят ривожининг асослари шаклланди. Кўшни

республикалар билан дўстона алоқаларимиз яна тикланди. Давлат хизматларида шаффофлик ўрнатилди. Кадрлар масаласига, таълимга эътибор кучайтирилди. Коррупция билан қатъий курашилмоқда. Бу ислохотлар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

Мен турли даврларда яшадим, ишладим. Таникли шахслар фаолиятини кузатишга муваффақ бўлдим. Лекин Ўзбекистоннинг янги тарихидаги ривожланишини бутун дунё тан олапти. Виртуал қабулхона ҳамда Халқ қабулхоналари орқали аҳолининг муаммоларига ижобий ечим топилоқда. Ҳаёт тез суръатларда ривожланипти. Ҳаётбахш давлат дастурлари, йўл хариталари тузилиб, давлатимизни янада ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Бугун қайси вилоятга борманг, улкан бунёдкорлик ишлари, ободликка кўзингиз тушади. Ишонмасангиз, Қорақалпоқка келинг. Мана Мўйноқни кўринг. Ахир, ўз вақтида бу ердан ҳамма кўчиб кетишни бошлаган, бор-йўғи, 13-14 минг аҳоли қолган эди. Ҳозир эса 30 мингга яқин киши

яшайётгани бу ерга яна жўшқин ҳаёт кайтганидан далолатдир. Бу ерда аэропорт, стадион, спорт мажмуаси, амфитеатр ва бошқа иншоотлар пайдо бўлмоқда, инфра-тузилма қайта тикланиб, тадбиркорлик ривожланипти, худуднинг инвестициявий жойбадорлиги ҳам ортмоқда. Бир сўз билан айтганда, бу ерга яна янги орзулар, янги максатлар кайтмоқда. Янги ишонч ва янги умид пайдо бўлмоқда. Одамларнинг ўзида маиший турмушни яхшилаш, жонажон ўлканинг гуллаб-яшнашига хисса қўиши истаги кучаймоқда.

Неча йиллаб сув етиб бормаган жойларга сув борди. Кишлоқларда ҳам шаҳар шароитлари яратилди. Арзон уй-жойлар қуриляпти. Бу кетишда икки-уч йилда кишлоқлар ҳам шаҳардан қолишмайди. Бундай бунёдкорлик жараёнидан четда туришининг ўзи мумкин эмас. Биз, катта авлод вакилларининг қўлимиздан келадиган иш олиб бориладиган кенг қўламли ислохотлар аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тарғиб қилиш, тажрибамизни ўргатишдан иборат.

Ҳаёт ўрганишлардан, изланиш-

лардан иборатдир.

Луқмони Ҳакимдан:

— Нега ҳадеб фарзандингга насихат қилаверсан? — деб сўрашди.

— Кексаларнинг насихатлари ёшлар учун боғбон ниҳолни тарбия қилгани қабидир, — дея жавоб берибди Луқмони Ҳаким. Дарҳақиқат, ҳаёт боғбонларидан ўрганиш биз учун ҳамisha, қандай ёшда бўлишимиздан қатъи назар зарур эҳтиёждир.

Бугунги дорилардан кунларда умргузаронлик қилаётган адолатпарвар инсон Қаллибек Камаловга узок умр тилаймиз. Бугунги авлод ўз халқининг чин фарзанди бўлган бу Инсондан кўп нарсаларни, айниқса, она юртни севиб яшашни, ватанпарварликни, кадрятларни кадрлашни, энг муҳими, инсон деган шарафли номга муносиб бўлишни ўрганса арзийди. Бундай оқсоқолларимизнинг орамызда борлиги эса биз учун катта бойлик, ҳа, маънавий бойликдир.

Қаллибек оға, сизнинг ҳаёт мактабингиз биз учун фахрли!

Зулайхо БЕКМУРАТОВА
журналист.

БОШ қомусимизнинг 114-моддасида “Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир”, дея қайд этилган. Шу боис Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг фаолияти мазкур конституциявий қонун ижросини тўлиқ таъминлашга қаратилган.

Қарздор оталар “ҚАМАЛ”ГА ОЛИНДИ

Шу маънода айтганда, бюронинг Чилонзор туман бўлими ходимлари ҳам зиммаларидаги ана шу масъулиятли вазифани бекаму кўст уйдлашмоқда, дейиш мумкин. Бу борада эса ходимларга Президентимизнинг 2020 йил 24 ноябрда имзоланган “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламаи бўлаёттир. Ўтган қиска вақт мобайнида олиб борилган тезкор тадбирлар жараёнида 2120 нафар қарздордан 232 миллион 524 минг сўм миқдордаги алимент пуллари ундирилди. 2 нафар қарздор эса зиммасидаги мажбуриятни бажармагани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг 474-моддасига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилди. Энг муҳими, олиб борилган ҳуқуқий тушунтирувлар натижасида 37 нафар оила-нинг тикланишига эришилди. Қолаверса, ишламаётган қарздорларнинг бандлиги таъминланиши туфайли 195 миллион 780 минг сўмлик алимент пуллари ундирилди. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2012 йил 30 августдаги ижро ҳужжатига асосан қарздор Алишер Илёсовдан ундирувчи Малика Рўзиева фойдасига бир нафар вояга етмаган фарзанди таъминоти учун 1/4 қисм миқдорда алимент ундириш белгиланган. Аммо оталик мажбуриятини “унутиб қўйган” Алишер 2017 йил 1 ноябрдан 2021 йил 1 январга қадар алимент тўламагани боис унинг қарздорлиги 20 миллион 027 минг 740 сўмга етган. Ижро ҳаракатлари давомида 2021 йил 19 январь кунин алимент пуллари тўлиқ ундирилди.

Еки қорақалпоғистонлик юртошимиз Шадиев Алимов фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро

судининг 2010 йил 8 июлдаги ижро ҳужжатига биноан, собик турмуш ўртоғи Замира Алимова фойдасига уч нафар вояга етмаган фарзанди таъминоти учун 1/2 қисм миқдорда алимент тўлаши шарт эди. Бирок Шадиев умуман алимент тўламаган чоғи, 2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги “бор-йўғи” 131 миллион 925 минг сўмни ташкил қилган ҳолос. Ҳамкасбларимизнинг тезкор фаолияти сабабли мазкур қарздорлик ҳам 10 кунда бартараф этилди.

Бундан ташқари, 2 нафар қарздор вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаганилиги боис уларга нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли, тўшланган ҳужжатларни теровга қадар текширув ҳаракатларини олиб бориш учун Бюронинг Тошкент шаҳар бошқармасига юборилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иш юритишда юридик шахсларга тааллуқли ижро ҳужжатлари ҳам мавжуд. Шулардан бири Тошкент шаҳар иктисодий судининг 2020 йил 24 ноябрдаги ижро варақасига асосан қарздор “ENTER ENGINEERING PTE.LTD” DM қўшма корхонасидан ҳақдор “Химчима” курилиш таъмирлаш бошқармаси” МЧЖ фойдасига 1,4 миллиард сўм маблағ ундириш тўғрисидаги ишдир. Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида ушбу салмоқли қарз ҳам тўлиқ ундириб берилди. Шунингдек, бўлим томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлигидан 33 нафар тадбиркор фойдасига 80,9 миллиард сўм пул маблағи ҳам ундириб берилди.

Мажбурий ижро бюросининг Чилонзор туман бўлими материаллари асосида тайёрланди.



ЎЗИГА ХОС УСЛУБ

Фаргона шаҳридаги 12-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Нилуфар Далабеева дарс жараёнида ўқувчининг диққат-этиборини тезда ўзига жалб қиладиган илғор педагогик технологиялардан фойдаланади. Хусусан, “Shaxmat”, “O'rik gullari”, “Kim chaqon”, “Tiratikon” ва “Qani topchi”, деб номланган кўргазмалли қуроллар, мунозара, яққа тартибда ва гуруҳда ишлаш, тақдимот, мойчечак каби услублар ҳамда “Mehmon besh”, “Zukko o'quvchi”, “Ofarin”, “Oltin besh”, “Otonasiga rahmat” ва “Quyoshli besh” сингари рағбатлантирувчи баҳоқардан фойдаланади. Бундан ташқари, устоз ўқувчиларни буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлишга ундаган ҳолда дарсдаги фаоллигига қараб, уларга “Темурбек”, “Улуғбек”, “Беруний”, “Навоий”, “Бобур”, “Тўмарис”, “Зебунисо”, “Увайсий”, “Нодирабегим” ва “Зулфия” сингари рағбатлантирувчи номларни ҳам бериб боради.

Суратларда: Дарс жараёнидан лавҳалар. Муқимжон Қодиров (ЎЗА) олган суратлар.